Менинг нафсим балодир, ёниб турган ўтга солодир!

Бисмиллахир Рохманир Роҳим. Ассалому алайкум азиз ватандошлар, юртдошлар ва ҳурматли петербургликлар. Яратганга шукурлар бўлсинким, замонамиз эл-юртларимиз тинч ва осойишта, фаровон ва ободчилик хукмрон сурмоқда. Мана кўпчилигимиз турли сабабларга кўра, жумладан пул ишлаб топиш, ўқиш, ҳизмат сафари ёки дам олиш мақсадида, улкан Россия давлатининг маданият пойтахти бўлган Санкт-Петербург шаҳрига келиб, фаолият олиб бормоқдамиз.

Азиз Ватандошлар бугунги кунда долзарб муаммолардан бири бўлган “Одоб ва ахлоқ” тўғрисида бироз тўхталиб ўтсак. Хар бир юртнинг ўзининг расм-русумлари, одоб ахлоқлари бор. “Одоб нимадан бошланади, яъни шариатимизда “адаб” сўзи “Алиф” дан олинган бўлиб, шариатимизда машойиқлар ва уламоларнинг ажойиб ва гўзал айтилган табаррук сўзлари бор. Яъни “Алифдай тўғри бўлсанг хеч бало йўқдир санга, лом Алифдай эгри бўлсанг, хар бало бордир санга”. Бу улуғларимиз айтган сўзларнинг маъносида осмон билан ерча ибратли, маъно ва гўзал ҳикматлар бор. Яъни бугунги кунда нафсимиз хохишига эршагиб, ўз ватандошларимиз ва хамюртларимизни алдаб, мусофир юртларда хаққига хиёнат килиб, ваъда килган пулларни бермай жуда қийин ахволларга солиб қўйишяпти. Ёлғон яширин ваъдалар, касамлар билан ўз юртдошларига хиёнат килмоқдалар. “Бир кишининг ҳаққини ейиш жуда катта гуноҳку ахир.” Жаноб пайғамбаримиз Мухаммад Мустафо Саллолоху Алайхи Вассалам муборак хадиси шарифида айтадиларки, етим, бева, мусофирларни ҳаққини еган киши. гўёки дўзахнининг алангасини қорнига солган бўларкан. Азиз дўстларим харом ишни килишдан ўзларингни тийинлар.

Ҳазрати шайх Яхмад Яссавий бобокалонимиз айтадиларки, "Кишин ҳақин емагин, пул сиротда тутаро", пул сирот деб қилдан ингичка, қиличнинг дамидан ўткир кўприк бўлиб, машаргоҳда унинг тагида дўзах олови ловиллаб ёниб туради. Кишининг ҳаққини еганлар шу пул сироатидан ўта олмайдилар. Бу дунёда ҳам, бирлари икки бўлмайди. Юзлари эл юрт олдида қора юзли бўлиб косасини таги окармайди. Чунки, кишиларнинг хақини еб, турли балоларга хаётда дуч келадилар. Масалан, уйи ёнади, ёки машинаси билан авто ҳалокатга дуч келади, ёки касалликка йўликади, ёки боласига харом луқма едириб, боласи безори бўлади. Хуллас хаётдан рўшнолик кўрмай ўтадилар. "Қилма топасан" "Хар ким экканини ўради", "Қилмиш кидирмиш" деб бежиз айтмаган ота-боболаримиз. Азиз юртдошлар, азиз ватандошлар бу ўткинчи яъни фоний дунёда нафсимизнинг хойи хавасига учиб, хар бир кишининг энг катта бойлиги бўлган иймонимиздан, диниимиздан, эътикодимиздан, айрилиб бораётганлигимизни сезмай қоляпмиз. Яъни улуғларимиз хикматли сўзлари борки, “маънинг нафсим балодир ёниб турган ўтга солодир. Азиз ватандошлар биздан олдин ўтган динимиз пешволари ўгитларига ва ота-онамиз хамда устозларимиз сўзларига, ўгитларига амал килиб, яъни кишининг хаққини ейишдан, алдашдан хазар килайлик.

Яратган эгам барчамизни тўғри йўлга хидоят килсин. (Омин).

миён Мухаммадбобир
миён Абдулходи ўғиллари

Ҳамюртларимиз

Сўғдиёна турмуш ўртоғи Башир Куштов билан

Шарқ маликаси Сўғдиёна

Қадим-қадим замонларда, шахзодалар оқ отларда юрган даврларда, маликалар интизорлик билан уларни кутар эдилар, шу замонларда Ўзбекистон худудида Сўғдиёна деб номланмиш давлат бўлган экан. Заравшон ва Қашқадарё дарёлари бўйиларида ёйилиб жойлашган ушбу давлат, доимо гуллаб яшнаган, равнақ топган. Шу сабаб, олимлар ҳам бу мамлакатни ривожланиш тебранишларидан бири деб бежизга ҳисобламайдилар. Айни вақтда бу сирли давлат мавжуд эмас, лекин унинг ажойиб Сўғдиёна номи одамлар тилида сақланиб қолган. Шу боис, бир вақтлари Тошкентда Оксана исмли қизалоқ дунёга келади ва у кўп ўтмай Сўғдиёна номи остида ҳақиқий юлдузга айланади. Айнан шу итеъдодли қўшиқчи тўғрисида биз сизларга сўзлаб берамиз, азиз муштарийлар.

Шоира, бастакор ва қўшиқчи Сўғдиёнанинг ижодида замонавий мусиқа билан шарқ эртаклари кайфияти ҳамоҳанг равишда ижро топади. Унинг қўшиқлари енгил ва вазнсиздир. Шарқнинг “муаттар акси” унга алоҳида бир таниш услуб бериб туради. Қизалоқда мусиқага бўлган иштиёқ анча олдин пайдо бўлди, унинг ота-онасини мусиқага умуман алоқалари бўлмаган. Қизалоқ ижодий бола сифатида вояга етади: болаликдан суратлар чизарди, куйларди, рақга тушар эди, ўзини қариндошлари ва меҳмонлари учун кичик концерт дастурларини ўтказар эди. Ота-онаси қизалоқдаги истеъдодни ўз вақтида пайқайдилар, шу боис уни ёшлигидан махсус мусиқа мактабига берадилар. У ерда қизалоқ фортепиано соҳаси бўйича 11 йил таълим олади. Ўспирин пианиначини келажаги буюклигини башорат этадилар, унинг ўзи ҳам юксак ютуқларга эришини ҳамиша ҳис этиб туради. Ҳаттоки, юксак маҳорат билан ижро этилган православ бастакорларининг этюдларини ҳам унинг шахсий ижодидаги ютуқлари билан тенглаштириб бўлмайди. Шу боис, фортепьянога қўшимча тарзда, у 8 синфдан бошлаб, вокал билан ҳам қизиқа бошлайди. Энди қизнинг юраги нимага интилаётганини аниқ билиб туради... шу ондан бошлаб, чарақлаётган эстрада юлдузи Сўғдиёнанинг тарихи бошланади.

Сўғдиёна кўплаб Ҳалқаро ва Республика миқёсидаги конкурсларда иштирок этишни бошлайди ва доимо совриндорлар қаторида бўлади. Лекин ҳақиқий қўшиқчи фақатгина конкурслар ва дипломлар билан яшай олмаслигини сезади. Шунинг учун, ўзини шахсий қўшиқлари устида, секин бўлсада, лекин ўзининг дебют альбоми учун материалларни танлаб, ишлай бошлайди. Шундай қилиб унинг биринчи диски 2001 йилда чиқиб, “Менинг кўнглим” деб аталади. Кўп ўтмай у Ўзбекистон Давлат Консерваториясининг эстрада вокали факультетига ўқишга киради.

2003 йилда Сўғдиёна Ўзбекистоннинг энг юксак ёшлар соврини “Нихол” давлат мукофотини олишга муяссар бўлади. Бу ҳақиқий тан олиш бўлади. Демак, қўшиқчи миллионлаб тингловчиларга ўз истеъдодини намоён этади.

Сўғдиёнани репертуарида бирин кетин ҳақиқий хитлар ва видеоклиплар пайдо бўла бошлади. «Менинг шахзодам... барибир келар!» деб номланган икки албоми ҳам омадли чиқди. Лекин қўшиқчининг ҳаётидаги энг ёрқин ҳолат бу, унинг “Фабрика звезд-6” да иштирок этгани бўлган. У ушбу конкурсда ғолиб деб топилмаган бўлса ҳам, бироқ ўзини “Юрак махзун” деб номланган қўшиғи билан Россиялик минглаб тингловчиларни юрагига йўл топа олди. Ўзининг самимийлиги ва нигоҳлари билан атрофдаги мухлисларни сеҳрлаб қўйган.

Ўша вақтгача Сўғдиёна нафақат ўз ватанини қаҳрамонига айланибгина қолмасдан, балки бутун дунёдаги мухлислар қалбига йўл топган. Мамлакат кинотеатрларида катта қизиқиш билан унинг иштироки билан “Хўжа Насриддин” ва “Сўғдиёна” деб номланган икки фильмлар намойишида кинотеатрларда одамнинг кўплигидан, хатто туришга ҳам жой топилмаган. Тошкентдаги концерт дастурларида ҳам олма тушадиган жой бўлмаган.

Хаттоки уч кун давом этган, бағрига тўрт минг томошабинни оладиган улкан концерт залларида ҳам қўшиқчини тирик овозини эшитишга тўпланган одамларнинг хаддан зиёдлигидан жойлар катта муаммо бўлган.

Шу йилнинг ўзида қўшиқчи Россия саҳналарида нуфузли совринлардан бири бўлган “Олтин граммофон” мукофотини совриндори бўлган. Шундан сўнг кўп ўтмай, иккинчи “Олтин граммофонни” «Синее небо» қўшиғи учун қўлга киритади.

2010 йилнинг март ойида қўшиқчи ҳаётидаги яна бир муҳим воқеа содир бўлди- иккинчи ўғли дунёга келди. Шу йили Сўғдиёна “Радиофаварит”-ижрочиси номинацияси бўйича “Бог эфира” соврини олишга муяссар бўлади. Бу билан у, агар истак бўлса, ҳар қандай аёл ҳам иш фаолиятида ва шахсий ҳаётида ҳам улкан ютуқларга эришса бўлишлигини исботлаб берди.

Айни вақтда қўшиқчи ижодини фаол давом эттирмоқда. Унинг қўшиқлари Россиянинг барча радиостанциялари эфирларида янграб турибди. Қўшиқ учун бу фақат бошланиши холос. Шарқ маликаси янада улкан юлдузлик чўққиларини забт этишга тайёр. Чунки Сўғдиёнанинг энг асосий шиори бу “Юлдузларга қараб олға!”

Қичсқача таржимаи ҳоли:

• 17 февраль 1984 й. - Сўғдиёна таваллуд топган кун.

• 1991 й. - Глиер номидаги мусиқа мактабида фортепиано курси бўйича ўқишга боради.

• 1997 й. - Успенский номидаги РССМШИ га ўтади.

1998 й. - Ёш пианиночилар Республика конкурсидан совринни қўлга киритади.

• 1999 й. – Сўғдиёна профессионал ижрочиларнинг “Садо-99” Ўзбекистон телевизион фестивалида совринни олишга муяссар бўлган.

• 2001 г. - «Менинг кўнглим» дебют альбоми чиқди.

• 2002 й. - «Менинг ўлкам қўшиқлари» биринчи Республика конкурси ғолибаси бўлган.

• 2003 й. - «Юлдузларга йўл» номли эстарада қўшиқлари ижрочиларининг Ҳалқаро конкурси совриндори (Санкт-Петербург, Россия).

• 2003 й. - алоҳида қобилиятли ёшлар учун «Нихол» 2003 конкурсида Давлат мукофоти совриндори бўлган (Тошкент, Ўзбекистон).

• 2005 й. - Эстрада қўшиқлари ижрочиларининг “Дискавери” Ҳалқаро конкурсида соврин сохибаси бўлган (Варна, Болгария).

• 2005 й. - Эстрада қўшиқлари ижрочиларининг «Canzoni Dal Mondo» Ҳалқаро конкурсида соврин сохибаси бўлган (Италия).

• 2005 й. -иккинчи “Менинг шахзодам ... барибир келади!” номли албоми дунё юзини кўрди.

• Март, 2006 й. - қўшиқчи «Фабрика звезд-6» Виктор Дробыш бошчилигидаги Россия бош телевизион конкурсида иштирок этади .

• Ноябрь, 2006 й. - «Сердце магнит» қўшиғи учун Россия мукофоти “Олтин граммафон” ни қўлга киритади.

• Октябрь, 2007 й. – Сўғдиёнада ўғил туғилади Арджун.

• Декабрь, 2007 й. - «Олтин граммафон» нинг иккинчи маротаба совриндори бўлади ва “Синее небо” қўшиғи учун олтин статуэткани олади.

• Февраль, 2008 г. - биринчи Россиядаги “Сердце Магнит” деб номланган альбоми чиқади .

• Сентябрь, 2008 й. - «Разлетелись облака» номли қўшиғига клип ишлайди ва шу йилнинг декабрь ойида Сўғдиёна қайтадан “Олтин граммафон” конкурсида “Ветер догнать” деб номланган қўшиғи учун ғолиб деб топилади .

• 2009 й. - «Мени эсла», “Эдемдан Шарқга, “Сен билан ёки сенсиз” қўшиқларига янги видеоклиплар суратга олинди.

• 2009 й. – қўшиқчи Чечен Республикаси ҳалқ артисти унвонини олди.

• 22 март 2010 й. - Сўғдиёнадан иккинчи ўғил Микаил дунёга келди.

• 2010 й. - «Радиофаварит» ижрочи номинацияси бўйича “Бог эфира” мукофоти совриндори бўлган.

Ҳаётий хушчақчақ ва ажойиб қўшиқчи, ўз истеъдоди билан дунёга машҳур бўлди.

ТМХ (ЖКХ) соҳасида меҳнат мухожирлари интеграциясидаги Диаспоралар ва ижтимоий ташкилотларнинг ўрни

Давра суҳбати қуйидаги манзилда жойлашган “Санкт-Петербург Миллатлар Уйи” да бўлиб ўтди: «Чернышевская» метро бекати, Моховая кўчаси, 15 уй, литер «А»

2011 йили 1 августда СПБ ГУ “Санкт-Петербург Миллатлар Уйи” да бўлиб ўтган айланма стол тадбирининг мавзуси айнан шундай деб аталади.

Айланма столи атрофида йиғилганлар миграция ва Россияга, шу жумладан Петербургга келаётган меҳнат мухожирларининг мослашуви масалалари кўриб чиқилган. Мухожирларни тил томондан мослашуви ва бошқа ижтимоий маданий масалаларини ҳал этишда Носавдо ташкилотларнинг (НСТ) вазифаси, уларни ўрни ва иш фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар мухокама этилган. Шаҳар ОАВ нинг (жумладан миллий) мухожирларга ҳуқуқий маълумотий ёрдам кўрсатилиши, уларда толерантлик маданиятини шакллантиришдаги олиб бораётган ишлари тахлил этилган.

Алоҳида эътибор амалда биринчи даражали муҳим аҳамият касб этадиган масалалар ва муаммоларга қаратилди. Мухокамалар мобайнида қуйидаги вазифалар белгиланиб олинди:

● Санкт-Петербургдаги мухожирлар сонини тартибга келтириш, буни ҳал қилиш билан уларнинг ишлаш ва яшаш шароити яхшиланади;

● НСТ билан ҳамкорликда меҳнат мухожирларини РФ ва Санкт-Петербургда тиббий суғурта қилиш бўйича таклифларни ўрганиб чиқиш;

● Мухожирларни доимий нашр этиладиган газеталар ва журналлар (жумладан миллий), турли таълим берувчи маълумотномаларни тарқатиш йўли билан хабардор қилиб туриш;

● меҳнат мухожирлари билан бевосита фаолият юритадиган ва шу жараёнда иштирок этадиган давлат ва ҳукумат идоралари, ижтимоий ташкилотлар, тиббий муассасалар, суғурта компаниялари, миллий маданий бирлашмалар ва Спб ГУ “Санкт-Петербург Миллатлар Уйи” ва бошқа тегишли идораларни ўзаро ҳамкорлигини ва “ижтимоий ҳамкорлигини” йўлга қўйиш.

Ушбу тадбирни ташаббусчиси бўлиб Санкт-Петербургдаги “Аджам” Тожикистонликлар ижтимоий бирлашмаси ҳизмат қилди. Ушбу бирлашма Спб ГУ “Санкт-Петербург Миллатлар Уйи” қўллаб қувватлови остида ташкил этилган эди.

Чексиз муҳаббат

Ўрта Осиёдан келаётганлар фуқароларнинг сони кун сайин ортиб бормоқда. Шу билан биргаликда аралаш никоҳлар сони ҳам кўпаймоқда. Рус қизлари турмуш ўртоғи сифатида шарқ йигитларини танламоқдалар. Нима учун бу содир бўлмоқда, бунинг оқибати нималарга олиб келади? Келинглар, шуни мухокама қиламиз.

Нима сабабдан рус хонимлар Осиёликларни танламоқдалар?

Бунга бир неча сабаблар мавжуд?

Биринчидан, Россияга келаётган аксарият эркаклар, энди кучга тўлган, навқирон йигитлардан иборатдир. Уларнинг нима учун келаётганлиги хеч биримизга сир эмас. Қатъий тарбия топганлиги ва диний эътиқодларига боғлиқ ҳолда, ўзбек ва тожик йигитлари деярли спиртли ичимликлари истеъмол қилмайдилар, қолаверса, меҳнатсевар, ўз оиласини таъминлашга интилади, фарзанд ортиришга ҳаракат қилади, фарзандни ҳам бир эмас кўплаб бўлишини истайдилар.

Иккинчидан, Осиё республикаларидан келган йигитларнинг муносабат сифатида рус йигитлариникидан анча фарқ қилади. Улар кўпинча, хушмуомала, хурмат бажо келтиради, ғамхўр ва кўнгиллари очиқдир. Бизникилар никоҳдан ва фарзанд кўришдан бўйин товлаб тургунларича, рус қизи бу нарсаларни орзу қилиб турган йигитларга қараб кетадилар.

Уйда ким хўжайин? Кимни маданияти ва урф-одатлари уйда хукмронлик қилади?

Шу вақтгача, мусулмон (шарқ) оилаларида эркакни оила бошлиғи бўлиши ва уни диний ҳамда миллий урф-одатларига риоя этилиши лозим ҳисобланиб келинган. Аксарият ҳолатларда аёллар эрининг барча анъаналарини, ҳаттоки динигача қабул қилишга тўғри келади. Лекин, азалдан рус аёлларини, ҳаттоки ҳомиладорлик даврида ҳам ишлашлигини ҳисобга олган ҳолда, кўплаб рус аёллари уй бекасининг ҳаётини орзу қиладилар. Бу чарчаган аёлнинг бепаноҳлигидандир.

Миллатлар аро никоҳда кариндошлар қандай аҳамиятни касб этади?



Бу ерда вазият бироз нозикроқ ҳисобланади. Бир томони- ёш оиланинг ички ҳаёти билан боғлиқдир. Бошқа томони эса, ота оналарнинг, ака укаларнинг, бува ва бувиларнинг аралашувидир. Шарқ йигитига турмушга чиқаётганлар эса бундан қочиб кутула олмайдилар. Лекин рус ҳалқи ҳам қатъий характерга эга бўлиб, хотиннинг ота онаси ҳам ўзиникини қўлдан бой бермайдилар, кўрпанинг иссиқ томонини ўзига тортадилар. Шунинг учун Ўрта Осиёлик йигитга турмушга чиқаётган қиз, келажакда алоҳида оила бўлиб яша олмасликка тайёр бўлиши зарур.

Аралашган оиладаги фарзанднинг ҳаёти қандай?

Аралашган оиладаги фарзандлар кўпинча чиройлироқ ва ақлан ривожланган туғилади, деб ҳисобланиб келинади. Агарда оилада хар бир ота ёки она тарбияда баробар иштирок этаётган бўлса ва баробар ўз анъаналарини сингдириб бораётган бўлсалар, бундай оиладаги фарзандлар хеч бир мухтожликсиз соғлом ва бахтли ўсиб вояга етади. У бошқа миллат вакилларига кўпроқ хурмат билан муносабатда бўлади. Агарда анъаналарни сингдириш бошидан, карама қарши амалга оширилаётган бўлса, унда бола уни ҳам буни ҳам олишга муваффақ бўлмайди. Бундай боллар ўн саккиз ёшга тўлиб ҳам ўзини кимлигини англаб етмайди: “Мен кимман русманми ёки ўзбек, христианманми ёки мусулмон?”. Бу ерда энг муҳими, ота оналар фарзандларига қандай динга эътиқод қилиши учун эркинлик беришлари лозим. Боланинг ўзи танлаши керак. Акс ҳолда бола, жамиятдан ажралиб, одамови бўлиб қолиши мумки.

Миллатлараро боғлиқлик канчалик мустаҳкам?

Ҳозирги вақтда аралашган оилаларда шов шувга сабаб бўлувчи ажрашув, ва бола ўғирлаш каби ҳолатлар кузатилмоқда. Миллатлараро оилани бахтини ва бирдамлигини сақлаб қолиш, бутун бир фан ҳисобланади. Ҳар бир оилада, жумладан рус оиласида ҳам ўзаро можаролар ва келишмовчиликлар учраб туради. Бу ерда фақат одамларнинг ўзига, хамкорликдаги ҳаётларини қай даражада қуришларига боғлиқ бўлади.

Энг асосий ёддан чиқармайдиган ҳолат шуки, агарда оилада муҳаббат, хурмат ва бир бирини тушуниш бўлса, юзага келган муаммоларни ўзаро тил бириктириб ечимини топиш мумкин. Шундагина, хеч қандай милларлараро ва динлараро можаролар сизларни бахтингизга тўсиқ бўла олмайди.

Петербург билан танишув

Биласизми...?

Санкт-Петербург шаҳри нафақат ҳашаматли қасрлари, очиладиган кўприклари ва ажойиб хиёбонлари билан машҳур бўлибгина қолмасда, балки бу ажойиб шаҳарнинг яна бир диққатга сазовор дурдонаси мавжуддир, бу ҳам бўлса-дунёга донғи кетган сарой қудуқларидир, айнан шу сарой қудуқларини кўриш учун хар йили минглаб сайёхлар шаҳарга ташриф буюрадилар.

Ҳашаматли биноларнинг олд томонидан ўтган кетганларнинг кўзидан йироқда берк ховличалар яширинган бўлиб, бу ҳовличаларда ўзига хос вақт хукмронлик қилади. Невский проспектида ва шаҳарнинг бошқа марказий кўчаларида шунга ўхшаш ҳовлиларга олиб борувчи кўплаб дарвоза ости йўллари мавжуд. Ховли қудуқларнинг пайдо бўлиши жуда қизиқ тарихга эгадир.

Барчаси Буюк Екатерина вақтидан бошланган. У ўз хукмронлиги вақтида шундай қарор чиқариб, унга кўра, курувчиларга кўчаларни ягона чизиғлик қоидаларига монанд равишда қатъий барпо этилишига кўрсатма берган. Шундай қилиб, шаҳардаги талабчанлик асосида тўғри кўчалар ва иморатларни зичлиги келиб чиқган. Ўша вақтлари даромадли уйлар жуда оммавий ҳисобланган. Хонани ижарага олувчиларнинг сони, ақл бовар қилмайдиган даражада кўп бўлган. Уй хўжайинлари тури йўллар билан фойда олишни кўзлаганлар ва шу сабаб биноларни иложи борича зичроқ куришга ҳаракат қилганлар. Бунда шаҳарнинг санитар ҳолати уларни камроқ қизиқтирган. Уйлар бир-бири билан уланиб ғаройиб айланма шаклларни келтириб чиқарган, шу тарика кудук ҳовлилар (айланма қурилган иморат ховлиси) пайдо бўлган.

Агарда уйлар зич ҳолатда квартал ичигача чўзилиб кетган бўлса, унда уларга дарвозахоналар (арка) ва ўтиш жойлари қурилган. Ушбу ўтиш жойлари бир ховлидан икки ховлига тўсиқсиз ўтишга имкон берган, ҳозирда уларни иккитомонлама ўтиш жойлари деб номланади.

Шундай қилиб, бўш ерларнинг етишмовчилиги оқибатида, ажойиб Питер қудуқ ховлилари юзага келган. Барча ташриф буюрган мехмонларда бу каби ховлиларнинг кўриниши алоҳида тасаввур пайдо қилади ва жамиятда шаҳарнинг кўринишига алоҳида ҳисса қўшиб туради.

Шаҳарликлар ўртасида юрадиган фикрларга кўра, бундай қудуқ ховлилар мунтазам равишда дарё ва қўлтиқдан келиб турувчи шамолдан химояланиш учун барпо этилган экан. Бундан шамоллардан катта катта майдонларда ҳам беркинишни иложи бўлмаган, қудуқ ҳовлиларда эса доимо сокинлик хукм сурган. Петербургликларнинг фикрига кўра, уларни ҳовлиларида ҳаво шунчалик даражада туриб қоладики, хаттоки уни қўл билан ҳам ушлаб кўриб сезиш мумкин, бунда улар дарвозаларни ва эшикларни кўп вақт очиқ қолдирмасликка ҳаракат қилиб, ҳовли рухларини чиқариб юбормасликка ҳаракат қилганлар. Лекин шаҳарликлар бундай ҳовлиларга эътироз билдирмайдилар, айнан шундай қудуқ ҳовлиларда осмоннинг бир парчасини кузатиш мумкин. Бунинг учун бошингизни бирозга кўкка кўтарсангиз бас.



Қудуқ ховлилар шаклининг турличалиги ва бахайбатлиги хар қандай инсонни хайратга солади. Уларнинг кўпчилиги ҳақиқий мухандислик иншоотлари ва архитектура ҳайкалларини англатади.

Дорогие читатели! Приглашаем к сотрудничеству курьеров-распространителей! Желаете подзаработать? Звоните по телефону: 8-952-224-30-19.

Меҳнат мухожирлари учун биринчи Банкга таклиф этамиз!

Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон фуқаролари учун омонатлар-18% йиллик.

Мухожирлар ва уларни оилалари учун ўзаро ёрдам Кассалари, бу ерга жамғармангизни қўйиб, йилига 18 % фоиз қўшимча даромад олишингиз мумкин. Қолаверса, кредит ҳам берилади.

Ва ниҳоят Петербургда Ўрта Осиёликлар учун биринчи махсус Банк ўз фаолиятини бошлади.

Бу ерда кассир сизлар билан она тилида суҳбатлашади, ҳурмат ва иззат кўрсатиб сизларга ҳизмат қилади, сизни қизиқтирган барча саволларга жавоб беради. Бундай имконият Россияда биринчи маротаба мухожирлар учун яратиб берилмоқда, у ерда барчаси тушунарли ва сизларни кутмоқда!

МДҲ давлатларидан ишлаш ва яшаш мақсади билан Петербургга келганлар учун Россияда биринчи бўлиб, махсус Банк фаолияти йўлга қўйилди. Ўрта Осиёлик омонатчилар учун жуда фойдали фоиздаги даромадлар.

Энди Ўзбекистонлик, Қиғизистонлик ва Тожикистонликлар 500 рулдан бошлаб ўзларини жамғармаларини очишлари мумкин, бунда йиллик даромад 18 % ташкил этади.

Омонатлар - 500 рублдан бошлаб
Муддати - 1, 2, 3 ой
Фоизли ставкаси - 18% йиллик!

Пул ишлаб топдингми?
Маошингни уйга юборишдан олдин, фойдали жамғармага қўй, бу билан сен қадрдонларингга одатдагидан кўпроқ пул юборишинг мумкин.

Бундай даромад дастури мунтазам равишда уйга пул жўнатувчилар учун махсус мўлжалланган.

Банкнинг яна бир афзаллиги-меҳнат мухожирларига бир ой муддатга 5000 рублгача кредит берилишидир, кредит беришда маълумотномалар ва кафиллик сўралмайди, фақатгина сизни сўзингизга ишонилади.

Азиз ватандошлар!
“Тошкент” магазинидаги банк-бу Банкнинг биринчи бўлимидир.
Йил якунигача Петербургда яна ўн иккита Банк филиаллари ишга туширилиши режалаштирилмоқда.

Расмийлаштириш “Тошкент” магазинида.
Ёнингда паспортнинг бўлиши кифоядир.

Сизларни кутиб қоламиз!
Келинглар!

Центр вложений и кредитования Семейный Капитал

ОГРН 1117847049143.

Янгиликлар

Россия, Германия ва Ўзбекистон Ломоносов шаҳри учун янги ҳайкалтарошлик асарларини тақдим этадилар

Ломоносов шаҳридаги "Дом Анжу" устачилик ижодкорлик уйида Ораниенбаум (Ломоносов ш.) нинг 300 йиллигига бағишланган "Шакл, Бўшлиқ, Вақт" пленэрдаги ҳайкалтарошлик бўйича Ҳалқаро симпозиумни очилиш маросими бўлиб ўтди.

Санкт-Петербург шаҳри Петродворец тумани Маъмуриятининг пресс котиби Л.Н. Травиннинг берган маълумотларига кўра, ушбу симпозиумда бешта таниқли ҳайкалтарошлар жумладан Россиядан (Санкт-Петербург, Москва, Владимир), Германиядан (Оберурзель) ва Ўзбекистондан (Тошкент) иштирок этмоқдалар. Ушбу жараён мобайнида "гранит" материалидан хиёбонлар учун ҳайкалтарошлик асарлари яратилади. Замонавий пленэр пластик коллекцияси Ораниенбаум-Ломоносов шаҳрига тақдим этилади, ушбу тақдим этилган асарлар хиёбонларнинг бири безатиш учун 2011 йилнинг сентябрь ойида қўйилади.

Симпозиумдан ташқари, махаллий ҳайкалторош Никола Карлыханов ва немис рассоми Кристина Нидерндорферлар томонидан "Дўстлик-учрашув-келажак" мавзусидаги яна бир ҳайкалтарошлик асари барпо этилади, бу ғояни Оберурзель немис қардош шаҳридан ташриф буюрган рассомлар таклиф этганлар. Ушбу хамкорликдаги лойиҳа икки йил олдин туғилган бўлиб, бундан олдин Оберурзель шаҳрида ўтказилган ҳайкалтарошлар симпозиумида Николай Карлыханов томонидан икки метр баландликдаги "Лунный свет" деб номланган мрамор ҳайкали барпо этилган, Ломоносов шаҳрининг хиёбонларидан бирида қад кўтариб турибди, рус қардош шаҳрига бағишлаб номланган.Ораниенбаум шаҳрининг 300 йиллик тўйини нишонлаш арафасида немис қардош шаҳри Оберурзелдан расмий делегациянинг ташриф буюриши режалаштирилмоқда ва улар тантанали равишда шаҳарга ҳайкалтарошлик асарини тақдим этадилар.

Пленэрдаги ҳайкалтарошлик бўйича Ҳалқаро симпозиуми "Дом Анжу" устачилик ижодкорлик уйи ва МЧЖ "Сев-Зап Строй" томонидан ташкил этилмоқда. Иш майдончаси 148 сонли савдо иқтисодий мутахассислиги Лицейи худудига қуйидаги манзил бўйича жойлаштирилган: Ломоносов шаҳри, Федюнинский кўчаси, 6. Симпозиумнинг ёпилиш маросими 2011 йилнинг 20 августида бўлиб ўтади.



Дар Точикистон конуни масъулияти волидайн ба хукми ичро даромад

Дар Точикистон конун «Дар бораи масъулияти волидайн дар таълиму тарбияи фарзанд» ба хукми ичро даромад. Президенти ин кишвар, Эмомали Рахмон конуни мазкурро 2 август имзо кард. Ин конун 8 август дар газетаи расмии Хукумати Точикистон «Чумхурият» интишор шудааст.

Ба эътикоди намояндагони хокимият ва аксари аъзои парлумони Точикистон, хадаф аз кабули конуни мазкур пурзур гардонидани масъулияти волидайн дар таълиму тарбияи фарзанд дар рухияи инсондусти, ватанпарасти, эхтиром ба арзишхои милли ва хамчунин хифзи хукукхои кудакон аст.

Миёни нерухои сиёси ва шахрвандони Точикистон ин конун бахсхои зиёдеро ба бор овардааст. Шурои сиёсии Хизби Нахзати Исломии Точикистон (ХНИТ) нигаронии худро дар мавриди он ки ин конун ба бисёре аз моддахои Сарконуни Точикистон мухолиф аст, изхор кардааст. Хамчунин Шурои сиёсии ин хизб гуфтааст, ин конун хукуку озодихои шахрвандонро махдуд месозад.

Нигаронии махсуси ХНИТ аз он аст, ки тибки ин конун волидайн масъуланд, фарзандони то 18 солаи худро нагузоранд ба муасисахои дини (масчид) бираванд.

Надонистани забони руси - мушкили аслии мухочирони точик дар Русия

Сабабхои аслии муносибати гайри одилонаи кордехони рус ба мухочирони точик ин сатхи пасти хукукдони ва надонистани забони руси аз чониби мухочирин аст.

Тавре аз Хадамоти Мухочирати Точикистон дар Федератсия Русия иттилоъ медиханд, дар охирхои мохи июл ба раёсати Хадамоти Мухочират дар шахри Маскав аз чониби 20 шахрванди Точикистон аризаи шикояти аз болои ширкати «Консумек» ворид шудааст. Дар ин аризахо гуфта мешавад, ки ширкати мазкур дар хачми 617 хазор рубли руси музди мухочиронро пардохт накардааст.

«Дар натичаи гуфтугухои кормандони Хадамоти Мухочират ва намояндагони сафорати Точикистон дар Федератсияи Русия, маблаги мазкур ба тavри пурра ба шахрвандон аз чониби ин ширкат пардохт шуд», афзуд манбаъ.

Дар раёсати Хадамоти Мухочират дар Русия аз шахрвандони Точикистон даъват карданд, ки хангоми шуруи кор дар ширкатхои Русия, сарфи назар аз шакли идории онхо, ба таври хатми шартномаи мехнати банданд.

«Ба хангоми бастани шартнома мухочирони мехнати на танхо кафолати ичрои хукукхои худро ба даст меоранд, хамчунин кори сафорат ва дигар намояндагони макомоти дахлдори Точикистонро осон мекунанд», иттилоъ доданд аз раёсати Хадамоти Мухочират дар Русия.

Таъзияи ҳукумати чумҳури ба аҳли оила ва наздикони Асадулло Ғуломов

Ҳукумати Ҷумҳурии Тоҷикистон бо андўҳи бепоён иттилоъ медиҳад, ки 3 августи соли 2011 яке аз шахсиятҳои намоёни кишвар – Муовини аввали Сарвазири Ҷумҳурии Тоҷикистон Ғуломов Асадулло дар синни 57-солагӣ нобаҳангом аз олам чашм пўшид.

Асадулло Ғуломов 28-уми феврали соли 1954 таваллуд ёфтааст.

Ў бо хизмати содиқона, садоқатмандиву ростқавлӣ, кордонию маҳорати ташкилотчигӣ ва дигар хислатҳои неки инсонӣ сазовори иззату ҳурмати ҳамагон гашта буд.

Марҳум Асадулло Ғуломов дар давоми фаъолияти меҳнатии худ барои пешрафти Ватани азиз кўшишу ғайрати зиёде ба харҷ додааст. Ў махсусан дар сохтмони иншооти муҳими мамлакат – нерўгоҳҳои барқи обӣ, корхонаҳои истеҳсолӣ, сохтмону барқароркунии роҳҳо фаъолона заҳмат кашидааст.

Асадулло Ғуломов на танҳо ташкилотчии моҳири истеҳсолоту мутахассиси олии соҳаи сохтмон буд, балки худро инчунин сиёсатмадор, устоди сахтгиру ғамхор ва рафиқи мушфиқ нишон додааст.

Барои фаъолияти гуногунҷабҳаи давлатию ҷамъиятӣ Асадулло Ғуломов бо унвони фахрии «Корманди шоистаи Ҷумҳурии Тоҷикистон», Ордени «Шараф» - дараҷаи аввал сарфароз гардонида шудааст.

Вале мукофоти олии Асадулло Ғуломов иззату эҳтироми бепоёни мардум мебошад. Хотираи неки Асадулло Ғуломов дар дили ҳар касе, ки ўро мешинохт, абадӣ зинда мемонад.

Ҳукумати Ҷумҳурии Тоҷикистон бинобар вафоти нобаҳангоми фарзанди содиқи миллат, шахсияти намоёни мамлакат Асадулло Ғуломов сахт андўҳгин буда, ба наздикону пайвандони ў сабри Ҷамил металабад.

Россиянинг ФМҲ да рўйхатдан ўтаётган Қирғизистонликларнинг сони тобора кўпайиб бормоқда

Россиянинг Федерал Миграцион Ҳизматида рўйхатдан ўтаётган Қирғизистон фуқароларининг сони 2011 йилнинг бошидан бошлаб, ўтган йилга нисбатан 16 фоизга ошган. Бу ҳақда, Қирғизистондаги Россия ФМҲ ваколатхонаси бошлиғи Владимир Филиппов 2011 йили 4 августда ўтказилган пресс конференцияда таъкидлаб ўтган.

Филипповнинг маълумотларига кўра, 2011 йилнинг олти ойи мобайнида 51 минг Қирғизистонликлар ФМҲ ваколатхонасидан рўйхатдан ўтган.

Шу билан биргаликда, унинг таъкидлаб ўтишича, ҳозирги кунда Россия Федерацияси давлат сиёсати концепциясини ишлаб чиқмоқда, унга кўра, вақтинчали яшаш рухсатномасини олиш институтини бекор қилиш, шунингдек, квоталаштиришни бекор қилиш, юқори малакали мутахассислар учун кўчириш механизмини қисқартишларни ўз ичига қамраб олади. Шунингдек, Қирғизистондан Россияга меҳнат мухожирларини танлаб олиш тўғрисидаги Қоидалар ишлаб чиқилмоқда.

Бундан ташқари, REGNUM АА нинг хабарларига кўра, йилнинг биринчи ярмида Россияда меҳнат фаолиятини олиб бориш учун патент олган Қирғизистонлик меҳнат мухожирларининг сони, 2 баробарга ўсган. ФМҲ нинг маълумотларига кўра, 2011 йилнинг январь ойидан то июнь ойигача 20 мингта Қирғизистонликлар Россияда ишлаш учун патентни қўлга киритганлар, 2010 йили айнан шу давр мобайнида жами бўлиб 13 мингдан иборат мухожирлар ишлашга рухсат берадиган хужжатни олишга истак билдирган эдилар.

Қирғизистонлик шифокорлар ва ўқитувчиларни Россияга кўчириш жараёни қисқартирилмоқда

"Россия шифокорлар ва ўқитувчиларни ишга жойлашиши бўйича квоталарни киритишни кўриб чиқмоқда, шу жумладан Қирғизистонликлар учун ҳам", деб таъкидлаб ўтди Қирғизистондаги Россия Федерал Миграцион Хизмати ваколатхонаси бошлиғи Владимир Филиппов. Унинг сўзларига кўра, бу соҳа мутахасислари учун кўчириш жараёни қисқартирилади.

Шу билан биргаликда, Филипповнинг маълумотларига кўра, Россияга икки йил мобайнида ишлаш учун келган Қирғизистонликларга 50 мингдан зиёд меҳнат фолиятни олиб боришга рухсатнома ва Россия худудида хусусий тадбиркорликни олиб боришга ҳуқуқ берувчи 20 мингта патентлар берилган, деб хабар қилади «24.kg» АА.

Божхона Иттифоқи доирасида меҳнат мухожирлари бирор бир чегараловларсиз ҳаракатланишлари мумкин, деб қўшиб қўйди Владимир Филиппов.

REGNUM АА нинг хабарларига кўра, йилнинг биринчи ярмида Россияда иш фаолиятини олиб боришга патент олган Қирғизистонлик меҳнат мухожирларининг сони 2 бараварга ошган.

Эслатиб ўтамиз, Қирғизистон Меҳнат Вазирлиги миграция ва иш билан таъминлаш маълумотлар тахлил бўлимининг бошлиғи Наталья Норсеванинг сўзларига кўра, ишлаш мақсадида Қирғизистондан чиқиб кетган мухожирларнинг аксарияти, ватанга қайтмаяптилар. "Қирғизистонлик мухожирларнинг сони йилдан йилга ўсиб бормоқда. Улар ишлаётган давлатда фуқаролик олмоқдалар, оилаларини ўзлари билан олиб кетмоқдалар. Бу муаммо айни вақтда жуда муҳим ҳисобланади", деб айтиб ўтган у.

Тошкентда хаво ҳарорати рекорд даражасигача кўтарилган

Энг жазирамали жойлар ҳисобланган Ўрта Осиё ва Кавказ орти ўлкаларида жуда иссиқ хаво босими кузатилмоқда, деб ёзади meteonovosti.ru.

Айни вақтларда Ереванда хавонинг харорати 42 градусгача кўтарилган. Эндиликда бу харорат шаҳар метереологик тарихи варақаларига 3 августдаги энг юқори хаво харорати сифатида киритилган. Бундан олдинги рекорд даражаси 1999 йилда қайд этилган бўлиб, унда хаво харорати 39,2 градусни кўрсатган эди.

2011 йилнинг 3 августида Тошкент шаҳрида хавонинг харорати сояда 43 градусни ташкил этган. Бу Ўзбекистоннинг пойтахти учун янги кузатилган ўта юқори хаво хароратидир. Бундан олдинги ўта юқори хаво харорати 2008 йилда кузатилган бўлиб, унда хавонинг иссиклик харорати 41,3 градусни ташкил этган эди.

Туркманистоннинг энг жанубий нуқталари бўлган олдинги Кушке, ҳозирги Гушги худудларида эса, хаво харорати 42,2 градусгача кўтарилган - инструментал метереологик кузатувлар тарихида кўра, 3 августда бунчалик жазирама иссиқлик олдин кузатилмаган эди.

Ўзбекистон: чет элликлар ўзбек сўмига билет сотиб ололмайдилар

news.turizm.ru сайтининг маълумотларига кўра, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси авиа ташувлар ҳизмати қоидаларига ўзгартиришлар киритган. Чет элликлар чипталарни фақат эркин валютада сотиб олишлари мумкин. Агарда жўнаш ва бориш пункти мамлакат ташқарисида жойлашадиган бўлса, авиачипталарни ўзбек сўмига сотилмайди, жумладан республика фуқаролари учун ҳам.

Бундан олдин баъзи бир чет эл ташувчилари ўзбек фуқароларига чипталарни миллий валяютада давлат курси бўйича сотиб олишга имкон яратиб берган эди. Шунингдек, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК нинг ҳизматларидан ҳам фойдаланишда сўмдан фойдаланса бўлар эди: чипталарни резидентлар ва норезидентлар махаллий валютада сотиб олишлари мумкин эди, жўнаш ва етиб бориш пунктлари мамлакат ташқарисида бўлишидан қатъий назар.

Агарда киритилган янги қоидаларни авиакомпаниялар ва агентствалар томонидан бузиладиган бўлса, уларга чиптани тўлиқ нархи миқдорида жарима солинади.

Ўзбекистонлик дорбозлар Россия оммасига чиқиш уюштиришмоқдалар

Набережная Челна шаҳрида (Татаристон Республикаси) "Хазрат Али" деб номланган дорбозлар гурухи гастролларини амалга оширмоқдалар. Мана бир неча хафта мобайнида, ушбу дорбозлар гуруҳи шаҳарликларни ва шаҳар меҳмонларини хурсанд этиб келмоқдалар. Улар томонидан чиқиш уюштириш жойи сифатида шинамгина Автоград ҳовлиси танланиб олинган.

Ёйилган саҳнада мусиқачилар ўрин олиб, уларнинг қаршисидаги майдончага эса ўнбир метрлик баландликдаги арқон тортилган. www.anons.uz сайтининг хабар қилишича, дорбозлар арқонда хавфсизлик арқонлари билан ва уларсиз чиқиш уюштиришмоқдалар, очиқ осмон остидаги арқонда югуриб, ракс ижро этмоқдалар. Саҳна яқинида барча ҳоҳловчиларни, ўзбек миллий таоми палов билан меҳмон қилинмоқда. Ногирон ва фахрийларга палов бепул тарқатилмоқда, қолганларга эса арзон нархларда сотилмоқда.

Челналиклар ва шаҳар меҳмонларини, болаларни ва уларни ота-оналарини икки соатлик дастур давомида масхарабозлар кулдуриб қувонтирмоқдалар.

Хар бир чиқишнинг якуни сифатида тахта остида ётган инсоннинг устидан тўлиқ йўловчиларни ўзига олган автомобил ўтиб, ҳайратда қолдирмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу чиқишлар бепул намойиш этилмоқда, лекин ким қанча кўнглидан чиқарса, дорбозларнинг қопчасига уларни қўллаб қувватлаш учун ташлашлари мумкин.

Нима учун Қирғизистонда иш топиш осон бўлиб қолади?

Шу яқин кунларда Қирғизистонда меҳнат бозорининг маълумотлар тизими пайдо бўлади. www.profi-forex.org нинг ёзишича, ушбу тизимда иш берувчиларни тақдим этган бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилади, шунингдек, мавжуд резюмелар тўғрисидаги маълумотлар, ҳар хил йўналишлардаги ёш дипломли мутахасислар бўйича ўқув муассасаларининг маълумотлари акс эттирилади. Бу эса, аҳолининг барча табақаларида, зарурий маълумотларни қўлга киритишни анча енгиллаштиради ва қулайлаштиради.

Бунга ўхшаш маълумотлар базасини яратиш масалалари Қирғизистон миграция ва иш билан таъминлаш Мехнат вазирилиги котиби Тынычбек Тапылдиев ва Ҳалқаро меҳнат жамияти ҳамда Германиянинг ҳалқаро ҳамкорлик бўйича жамияти вакиллари билан ўтказган учрашуви мобайнида мухокама этилган.

Қирғизистон меҳнат Вазирлиги 2011 йилнинг сентябр ойига қадар маълумотлар базасини яратишдаги зарурий техник вазифаларни бажариш мажбуриятини олган, чет эллик хамкорлар эса, ушбу кўрсатиб ўтилган лойиҳани амалга ошириш бўйича хамкорликда молиялаштириш масалаларини келишиб олганлар. Меҳнат Вазирлиги ахборот ҳизматининг маълумотларига кўра, айни вақтда Қирғизистонда 65,1 минг ишсизлар рўйхатга олинган, бунда 8,8 мингта талаб қилинмайдиган вакансиялар мавжуд.

Мол булак.ру

Источник финансового успеха

Россиядаги мижозларимизнинг муваффақиятлари

Санкт- Петербург 2011

Жанибаев Нурдин Тажибаевич Қирғизистон Республикасидан бўлади. У Россия Федерациясининг фуқароси. Лекин, Россия фуқароси бўлишига қарамай, Нурдин банкларга кредит масаласи бўйича мурожаат қила олмади, бунга сабаб – доимий прописка йўқлиги. Унинг устига, Нурдинда бўлмаган яна кўп ҳужжатлар талаб қилинарди. Нурдин банкдан кредит олиш имконияти умуман йўқлигини тушунарди.

Қирғизистонда ҳам кредит олиш мумкунчилиги йўқ эди. Нурдин Россия фуқароси, бу эса мураккаб кредит жараёни ва қўшимча қоғозбозликка олиб келади.

Нурдин ўзининг кичик бир дўкончасида мева-сабзавотлар билан савдо қилади. Топган фойдаси унинг оила ҳаражатларига ҳамда Қирғизистондаги ота-онасига ёрдам бериш учун сарфланарди. Бизнесни ривожлантириш имкони бор, лекин бунга қўшимча маблағ йўқ эди.

Кунлардан бир кун, Нурдин яқин дўстлари даврасида ўзининг муаммоллари билан бўлишиб ўтирган пайтда «МОЛ.БУЛАК.РУ» компанияси ҳақида эшитиб қолади. Компания нафақат Россия, балки Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон фуқароларига, гаровсиз ва қоғозбозликсиз кичик кредитлар беради. Нурдин бу хабарга қизиқиб, эртаси куни ООО «МОЛ.БУЛАК.РУ» компаниясига келиб, ўз бизнесини ривожлантириш учун кредит сўрайди.

Албатта, компания Нурдинни қўллаб-қувватлади, у орзиқиб кутган кредитни олиб, иккинчи дўкон очди. Даромад кўпайиб, у яна бир дўкон очиб олди. Бизнес кундан кунга ривожланиб бормоқда.

Нурдин компаниямиздан беҳад миннатдор ва кейинги 5 йил давомида компаниямизнинг кредитларидан фойдаланиб, шу пайт орасида бизнесини янги ривожланиш даражасига олиб чиқмоқчи.

Бизнинг компания Нурдиннинг хурсандчилигига шерик бўлиб, бу намуна қолган ватандошларимизни ҳам илҳомлантириб, оғир кунларда қўлларини туширмай, оқимга қарши сузишга туртки бўлишига ишониб қолади.

ООО «МОЛ.БУЛАК.РУ» - ёш, ўсиб бораётган компания. 2010 йилнинг охиридан бошлаб Россия, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон фуқароларига кредит бериш соҳасида ўз фаолиятини илдам ривожлантириб бормоқда. Компаниянинг асосий мақсади - одамларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига кўмак бериш. ООО «Мол.Булак.Ру» бутун Россия бўйлаб ўз бўлимларини очиб келмоқда. Хозирги кунда офисларимиз Москва ва Москва вилояти, Санкт-Петербург, Екатеринбург, Новосибирск, Иркутск, Челябинск, Улан-Удэ шаҳарларида фаолият кўрсатмоқда. Йилнинг охиригача Россия Федерациясининг барча худудларида бўлимларнинг очилиши кутилмоқда.

Ғурурлик билан компания фаолиятининг натижалари ҳамда мижозларимизнинг муваффақиятлари ҳақида айтиб бермоқчимиз. Кўпинча дунёга бошқа назар билан қараш учун бизга ўз кучимизга ишонч ва молиявий ёрдам етишмайди.

Бизнинг мижозларимизнинг муваффақиятли тарихларидан мисоллар келтириб беришимизга ижозат берсангиз.

Боғланиш учун

Москва

Люблино
ул. Совхозная 39,
ТЦ «Люблино»,
в подвале (м. Люблино)
8 (495) 647-40-77

Тушинская
проезд Стратонавтов,6
(Автостанция Тушинская)
(м. Тушинская)
8 (495) 641-58-08

Пражская
Варшавское шоссе, д. 129,
корп. 2, 3-й этаж
(м. Пражская)
8 (495) 641-58-40

Олимпийская
ул. Олимпийская 16, стр. 2,
подъезд 6, этаж 1
8 (495) 609-68-84

Строгино
ул. Кулакова, д.20,
офис 439, здание А, офис,
этаж 1 (м. Строгино)
8 (495) 781-44-12

Войковская
Ленинградское шоссе, 18
(2-ой этаж)
(м. Войковская)
8 (495) 988-27-62

Полянка
ул. Пятницкая 74,
ул. Большая Ордынка
(м. Добрынинская)
8 (495) 784-79-91

Текстильщики
Волжский бульвар,
квартал 114 А, корпус 1
8 (495) 641 58 04

Москва вилояти

Королев
г. Королев,
ул. Калинина Д.6Б
8 (498) 681-57-40

Балашиха
г. Балашиха,
ул. Крупская, д. 13
8 (498) 303-22-83

Одинцово
г. Одинцова,
ул. Советская, д.5А

Раменск
г. Раменское,
ул. Советская, д.2,
Д/Б «Экспресс»

Зеленоград
г. Зеленоград
ул. Заводская, д.1Б

Химки
г. Химки,
ул. Московская д.14
8 (495) 666-04-21

Видное
г. Видное,
мкр. «Солнечный» д. 10
8 (498) 618-49-45

Долгопрудный
г. Долгопрудный,
ул. Первомайская, Д.56А

Люберцы
г. Люберцы,
ул. Инициативная, д.1

Бошка шаҳарлар

Санкт-Петербург

Апрашка
Апраксин переулок, д.4,
лит. А, пом. 19 Н (4-й этаж)
8 (812) 710-59-61

Купчино
Балканская пл, д.5
лит. И, пом. 1003, 1013
8 (812) 676-41-18
8 (812) 676-41-19

Просвящение
ул. Хошимина, д.13,
корпус 1
8 (812) 240-22-25,
240-25-26, 240-25-27

Новокузнецк
ул. Селекционная, д.11,
корпус 5
8 (952)174-63-54

Кемерово
ул. Тухачевского, д.58
8 (3842) 77-70-22
8 (905) 073-14-18

Южно-Сахалинск
ул. Сахалинская, д.59
8 (962) 415-02-33

Иркутск

Шанхай
ул. Партизанская, д. 19 8
(3952) 486-485

Новосибирск

Каменская
ул. Каменская, д.78/2
8 (383) 224-84-41

Коминтерна
ул. Коминтерна, д. 16 Б 8
(383) 261-07-07

Екатеринбург
ул. Техническая, 18 Б, 409
кабинет (4-й этаж) 8 (343)
380-60-20

Улан-Удэ
ул. Балтахинова, д. 13 8
(3012) 29-75-85

Тюмень
ул. Некрасова, д. 10
8 (909) 184-43-67

Томск
ул. Карла Маркса, д.48/1

Омск
ул. 70 лет Октября, д.34 8
(3812) 70-07-89

Кундан кунга бундай намуналар кўпайиб бормоқда. Бу эса бизга ўсиш, бизнинг дўстлар, ватандошлар ва мижозларимизга янада яқинроқ бўлиш мақсадида, Россия бўйлаб офислар очиш учун қўшимча куч ва ҳоҳиш беради.

Алока учун телефонлар:
Россия: +7 (495) 540-55-44
Киргизистон: +996 (312) 97-97-96
Тожикистон: +992 (44) 640-11-66

Юрист сахифаси

Мухожирлар саволларига мутахасиснинг жавоблари

Савол 1:

РФ худудида қонуний бўлиш учун қандай хужжатларга эга бўлиниши керак?

Жавоб:

- Фуқаролик паспорти
- Миграцион карта (Россия Федерацияси давлат чегарасини кесиб ўтилаётганда берилади)
- Миграцион ҳисобга қўйилганлигини тасдиқловчи хабарноманинг қирқилма қисми (Рўйхати).

Савол 2:

Агарда мухожир Россияга давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибига ва қоидаларига хилоф равишда кириб келган бўлса, унда нима қилиши керак?

Жавоб:

Бундай мухожирлар Россия Федерациясига қайси давлатдан кириб келган бўлса, ўша давлатга қайтишга мажбурдир. Агар мухожир ўз хохиши билан чиқиб кетмайдиган бўлса, унда у депортация қилинади. Депортация қилинган мухожирларни Россия Федерацияси худудига келгуси беш йил давомида кириши таъқиқланади.

Савол 3:

Қўлида давлат чегарасини кесиб ўтишда олинган миграцион карта ва фуқаролик паспорти бўлган мухожирлар, Россия Федерациясида қаерда ва қай тарзда рўйхатдан ўтиши керак?

Жавоб:

Россия Федерациясига меҳнат фаолиятини олиб бориш учун келган мухожир, етти иш куни ичида, келган куни ҳисобга олинган ҳолда, қабул қилувчи томон манзили бўйича рўйхатга туриши шарт. Қабул қилувчи томонлар: иш берувчи, кариндошлар, жисмоний шахслар, ёки қабул қилиш ваколатига эга бўлган воситачи ташкилотлар.

Қабул қилувчи томон Россия Федерациясига чет эл фуқаросини келганлиги тўғрисидаги хабарномани яқин орадаги почта бўлими орқали ёки Россиянинг ФМҲ худудий идоралари орқали расмийлаштириши шарт. Бунинг учун белгиланган шаклдаги трефарат аризи тўлдирилади, фуқаролик паспорт ва миграцион картадан кўчирма нусха тақдим этилиши лозим. Бу хужжатларни расмийлаштиришиб, мухожирни ҳисобга қўйишда мухожирни иштирок этиши талаб қилинмайди.

Савол 4:

Нима учун ва қандай ташкилот, ҳуқуқни мухофаза қилувчи идоралар ходимлари кўчада мухожирни тўхтатиб, жарима солиши мумкин, жариманинг миқдори қанча ва тўлаш тартиби? Кимга тўланиши керак?

Жавоб:

Россия Федерациясига кириб келган кундан бошлаб етти кун ичида рўйхатга турмаган бўлса (шанба, якшанба ва байрам кунлари ушбу етти кунга кирмайди);

Россия Федерацияси худудида бўлиш муддати якунланиб, ўтиб кетган бўлса;

Мухожирни ёнида Россия Федерациясида бўлиш ҳуқуқини тасдиқловчи хужжатлари мавжуд бўлмаса;

Бундай ҳолатларда, РФ нинг ФМҲ ва ИИВ ваколатли ходими томонидан икки нусхада маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилади ва баённомага асосан жарима белгиланади. Баённоманинг иккинчи нусхаси чет эл фуқаросига топширилади. Агарда баённомадаги ҳуқуқбузарлик билан чет эл фуқароси рози бўлса, унда Россиянинг Сбербанк бўлимига бориб, солинган жарима тўланади. Ёдингизда тутинг! Жарима ходимнинг ўзига хар қандай ҳолатда ҳам тўланиши мумкин эмас. Агарда баённомадаги ҳуқуқбузарлик билан норози бўлсангиз, 10 кун давомида кўрсатиб ўтилган баённома устидан судга ёки прокуратурага шикоят қилиниши мумкин. Жарима тўлангунча, паспортни олиб қўйилиши қонуний мумкин эмас.

Жариманинг миқдори "Россия Федерациясининг Маъмурий Ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Кодекси" билан белгилаб қўйилган. Диққат!!! Ёдда тутинг!!!

Воситачилар орқали хужжатларни расмийлаштириш, давлатдан маъмурий чиқариб юборишга олиб келади!

тайёрлади: Тоштемиров Элёр
манба: "Россияда меҳнат мухожирларини ҳуқуқий билим асослари"
(Ҳалқаро миграция ташкилоти (ҲМТ)

«Туран», первая практическая газета для выходцев из Средней Азии
Учредитель: Игорь Белоусов
Главный редактор: Маматмуминов Махмут
Выпускающий редактор: Ташкина Анастасия
Корреспондент: Михайлова Ирина
Дизайнер-верстальщик: Петров Евгений
Переводчик с русского на узбекский: Таштемиров Ильёр

Переводчик с русского на таджикский: Якуб Халимов
Адрес редакции и издателя: 192012, проспект Обуховской обороны, 116, корпус 1, редакция газеты «Туран», бизнес-центр «Троицкое поле», Ст. м. «Пролетарская»
Телефон: (812) 449-33-51, E-mail: TuranGazeta@yandex.ru
Тираж газеты: 10 000 экземпляров

Отпечатано в типографии ОАО "Первая Образцовая типография, филиал "Санкт-Петербургский газетный комплекс" 198216, Ленинский пр. 139.
Заказ № 736
Газета зарегистрирована в Управлении Федеральной службы по надзору в сфере связи, информационных технологий и массовых коммуникаций по СПб и ЛО, ПИ № ТУ 78-00840.
Газета распространяется бесплатно.

«Турон», Ўрта Осиёликлар учун биринчи амалий газета
Муассис: Белоусов И.Н.
Бош мухаррир: Маматмўминов Махмут
Чоп этувчи мухаррир: Ташкина Анастасия
Дизайнер-харф терувчи: Евгений Петров
Рус тилидан ўзбек тилига таржимон: Тоштемиров Элёр

Рус тилидан тожик тилига таржимон: Якуб Халимов
Тахририят манзили: 192012, проспект Обуховской обороны, 116 уй, корпус 1, офис 31, 32, бизнес-центр «Троицкое поле», «Пролетарская» метро бекати.
Телефон: (812) 449-33-51, E-mail: TuranGazeta@yandex.ru
Газета тиражи: 10 000 нусхада.
ОАО "Первая Образцовая типография, филиал "Санкт-Петербургский газетный комплекс" типографиясида босилди.
198216, Ленинский пр. 139.
Заказ № 736
Газета зарегистрирована в Управлении Федеральной службы по надзору в сфере связи, информационных технологий и массовых коммуникаций по СПб и ЛО, ПИ № ТУ 78-00840. Газета бепул тарқатилади.

ДЕНЕЖНЫЕ ПЕРЕВОДЫ

КЫРГЫЗСТАН
1%

УЗБЕКИСТАН
от 1,3%

ТАДЖИКИСТАН
от 1,3%

Список банков-партнеров, осуществляющих денежные переводы по данным тарифам, уточняйте у операциониста или по телефону справочной службы ОАО КБ «ЮНИСТРИМ»: 8-800-333-22-44

Офисы КБ «Юниаструм Банк» (ООО) г.Санкт-Петербург

- **Ладожская**
  Большеохтинский пр-т, 12
- **Технологический Институт, Фрунзенская**
  Московский пр-т, 43
- **Пролетарская**
  Обуховской обороны пр-т, 116
- **Гостиный Двор, Невский Проспект, Сенная Площадь**
  Невский пр-т, 35, Садовая линия
- **Садовая, Сенная Площадь, Спасская**
  Глинки ул., 2
- **Владимирская, Достоевская, Лиговский Проспект**
  Марата ул., 35

UNIStream

ЮНИСТРИМ
ДЕНЕЖНЫЕ ПЕРЕВОДЫ

8 800 333 2244
(Звонки по России бесплатные)

www.unistream.ru
ОАО КБ«ЮНИСТРИМ». Лицензия Банка России № 3467.